



АРАФА (420-546)

Сарикдарё соҳилидага ўзгаришлар. Холдан тойган Римни V асрда белини буккан Оврупо кавмлари силжишига ўхшаш ҳаракат Шаркий Осиёда 100 йил аввал бўлиб ўтган эди. Хитой тарихчилигида "беш ёввойи кавмлар даври" деб номланадиган (304-399) чоғда Шимолий Хитойни хунлар ва санбийлар босиб олган ҳамда готлар, бургундлар вандалларнинг ёввойи қироллигига ўхшаш қатор тезўтар давлатлар ташкил этган эдилар.

Оврупонинг Болкон ярим оролида Шаркий Рим императорлиги сақланиб қолгани каби Хан империясининг вориси сифатида Янцзи хавзаси мустақил Хитой императорлигини ўзида сақдаб қолди. Бу императорлик ҳам ўз ўтмишига илк Византия Римининг гуллаган даврига ўхшаганидай ўхшаш бўлиб, шимолдан ва ғарбдан қаттиқ сиқувга олган кўчманчилар ҳужумидан ўзини аранг ҳимоялаб турарди. Тез-тез алмашиниб турувчи сулолаларнинг заиф ва нотаъон императорлари "Ўрта текислик"даги Хитой аҳолисини ёввойи кўчманчилар бошчиларига бир қурбонлик сифатида ташлаб қўйгандилар. "Ўрта текислик" деб аталувчи Хуанхе воҳасида қелгиндилар ўзаро уруши оқибатида қиргин ва зулм қучайиб кетганига қарамай, Шимолий Хитойда хитойлар уларни мағлуб этган кавмлардан миқдор жихатидан анча устун бўлганлиги боис ҳам VI асрда Хитой қайтадан ўзини тиклаб олди.

Рақибларининг барчасидан қолиб қолган тоба қабиласи Хитой маданияти қомига тортилди. Тоба қавми тузган илк феодал давлати 420 йилга қелиб, бутун Шимолий Хитойни бир императорликка айлантирди, бу императорлик хитойча Вэй номи билан маълум (386).

Бу Тоба хони томонидан ўз фуқароларининг асосий қўпчилигини ташкил этувчи хитойлиларга дастлабки ён босилиши ҳам эди. Кўчманчилар мағлублари билан аралашиб қетиши оқибатида V аср охирига қелиб тобалар соч ўримларини қесдилар, қўл

остидагилар билан мулокот уларнинг кучини киркди, анъаналарини йўк этди. Тили ва кийим-кечаги билан бирга уларни зафарларга етаклаган даштга хос шижоат ва уюшқокликни ҳам йўқотдилар, айна чоғда ўзининг мустакил давлатини тиклашга жон-жаҳди билан курашган хитойларга сингиб ҳам кетмадилар.

Саройдаги тўнтаришлар натижасида Вей сулоласи заифлашган захотиёк, санбий императорлари хизматида бўлган хитой саркардалари ўз хўжайинларига нисбатан гайратлироқ ва қудратлироқ эканликларини кўрсатдилар. 531 йилда шимоли-шарқца Гао Хуан кўзгалон кўтариб тоба қўшинини тор-мор келтирди ва пойтахт Лоянни эгаллади. Аввалига у мавжуд сулола манфаати учун ҳаракат қилаётгандай кўриниб, шахзодалардан бирини император деб эълон этди. Бирок бу шахзода ўз саркардасидан кўркиб гарбга — Чанъанга қочиб борди ва у ерда уни бошқа бир саркарда — хитойлашган санбий Йуйвин Тай қўллаб-қувватлади. Гоа Хуан Вей сулоласидан бўлмиш бошқа бир шахзодани тахтга ўтказди. Шундай қилиб, империя иккига — Гарбий Вей ва Шаркий Вейга бўлинди, лекин ҳар иккаласида ҳам ҳокимият шахзодаларни вақтинча тахтга ўтказиб қўйган Хитой саркардалари қўлида эди. Бундай вазият узок давом этаолмас эди. Санбийларнинг каттиққўл ҳукмронлиги хитойларни шу даражада шафқатсиз қилиб қўйган эдики, қудрат уларнинг қўлига ўтгач, мағлуб бўлганларни аяб ўтирмадилар. Йуйвин Тай қўғирчок императорларнинг бир неча нафарини захарлади, унинг ўғли эса ўзида шунчалар қудрат сездик, ёмон кўрган сулоласини мутлако тугатиб, ўз сулоласи — Бэй Чжоуга асос солди.

Шимолий-шаркий Хитойда санбийларга янада шафқатсизроқ муносабатда бўлишди. 550 йилда Гао Хуаннинг вориси Гао Йан сўнгги императорни тахтдан воз кечишга мажбур қилди ва уни захарлаб ўлдирди. Императорнинг 721 нафардан иборат қон-қариндошлари қатл этилиб, қўмиш маросимидан маҳрум этиш мақсадида жасадлари сувга оқизилди. Янги сулола Бэй-Ци деб атала бошланди.

Мазкур шимолий икки подшолик ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анчагина бақувват эди. Ўзга қавмлар ҳукмронлигидан қутулган хитой қавми ўз маданиятини тиклаш учун астойдил киришди. Бирок Бэй Чжоу ва Бэй-Ци сулолалари орасида пайдо бўлган рақобат уларнинг фаол сиёсат юргизишлари учун ҳалакит берарди.

Жанубда бўлса, Лян сулоласи императорлари бошбошқоқлик ва жинойтни идора услуби қилиб олган эдилар. Уларнинг ўрнига келган Чэн сулоласи эса, ана шу анъанани давом этгирди. 557 йилдаги сарой тўнтариши оқибатида Лян сулоласининг охириги императори дорга осилишига қарши унинг тарафдорлари қуролли қаршилик уюштирдилар.

Исёнчилар Чэн сулоласи қўшинининг ҳужумини қайтариб, Хитойнинг қок ўртасида Хоу-Лян деган қичик бир давлат ташкил этдилар.

Хитой бир-бирига душман бўлган тўрт давлатга парчаланиб кетди. Хитой қудратини қесиб қўйган бундай оғир вазият Жужанлар ўрдаси ва Тогон (Ту-йу-хун) подшоҳлиги қаби қўчманчиларнинг икки заиф давлатини ҳалокат қохидан қутқарувчилик моҳиятига эга бўлди. Жанубдан бўлиб турадиган сиқувнинг бўшашиши билан улар Шаркий Осиё давлатлари орасида етакчилик мавқеига эга бўлиб қолдилар. Дашт хонлиги бўлмиш Жужан IV юзйилликнинг ўрталарида ташкил топиб, VI аср бошларига қелиб ҳалокатли таназзулни бошидан қечирганди.

Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Тогон подшоҳлиги Цайдамнинг қўл пастгекислигига жойлашган эди. 312 йилдаёқ Муйун уругидан бўлмиш беклар бошқарган санбийларнинг қичик бир қабиласи Жанубий

Манчжуриядан гарб томон кўчиб, Кукунор кўли теварагида кўним топган эди. Улар бу ерда оралари ола бўлган тибет уруглари билан зафарли урушлар олиб боради. Тобалар билан тўкнашувларда эса муваффақиятсизликка учраб турадилар. Ушбу жараён натижасида Тогон Вэй империясига карам бўлиб қолади, бироқ Вэйнинг парчаланиб кетиши тогонликларга эркинлик тухфа қилади. VI асрнинг иккинчи чорагида Куалйуй деган бек ўзини хон деб эълон қилади ва 540 йилда Гао Хуанга элчи юбориш билан Йуйвин Тайни ўзига душман қилиб олади. Мана шу воқеа, қуйида баёнимиз давомида дуч келадиганимиз Тогоннинг тақдирини хал қилади. Жуда катта ҳудуддаги "шахарлар"4ни (мустаҳкамланган кентлар бўлса керак) бошқаришда шаклланган идора тартибига (бу идора усулини тобалардан ўзлаштирган бўлса керак) эга бўлишига қарамай, Тогои кучли давлат эмасди. Курол кучи билан бўйсундирилган тибет уруглари хурлик ва қасосни орзу қилишар; бироқ иқтисоди микдор кетидан қувувчи чорвачилик ҳўжалигига асосланган бўлиб, маданий сазия паст эди. Бунинг устига хонларнинг ўзбошимчалиги турли фитналарга, хоинликка, истибдодга сабаб бўлиб, ёнибтурган оловга ёғ қуйгандек бўларди. Ушбу ҳолатлар Тогоннинг имкониятларини бўғар эди ва кейинроқ нишонсиз йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

Жужанлар ва телеутлар

Жужанларнинг қавм сифатида келиб чиқиши масаласига кўп марта мурожаат этилишига қарамай, бу масалада узил-кесил тўхтамга келинмаган. Бу ўринда масаланинг қўйилиши унчалик тўғри эмасдай, чунки жужанлар халқ сифатида ягона бир этник илдизга эга эмасди. Уларнинг келиб чиқиши ўзига хос бир тарзда эди. Тўс-тўполон замонларда отдан туширилган ва номига доғ тушган кишилар доим бисёр топиларди. IV юзйиллик ўрталарида ҳам ана шундайлар талайгина йигилиб қолган эди. Кимки тоба хони ўрдасида ёхуд хун шанйуйи пойтахтида қолишнинг имконидан маҳрум бўлса, даштга қочиб кетарди. Ҳўжайинлари зулмидан қочганлар, аскарликдан қочганлар, бор будидан айрилган қамбагал-деҳқонлар — барчаси даштдан бошпана изларди. Уларни бирлаштирувчи нарсаси тил ҳам эмас, дин ҳам эмас, балки қашшоқликка маҳкум этган тақдир бўлиб, айнан ана шу тақдир уларни жипслашишга мажбур этганди.

IV асрнинг 50 йилларида санбий отлик аскарида хизмат қилиб юрган собик қул Йугйулуй деган қимса ўлимга ҳукм этилади. Аммо у тоққа қочиб қолишга муваффақ бўлади, ана ўша қимса теварагида юзлаб тақдири ўзига ўхшаш кишилар тўпланади. Бу қочоклар ён-теварагидаги қабилалар билан қўшни бўлиб яшаш ҳақида қелишиб олишга ҳам эришадилар.

Йугйулуйнинг вориси Гуйлухўй тоба хонлари билан муносабатни йўлга қўйиб, ҳар йили от, қиловсинлар билан тўлов тўлаб турадиган бўлади. Мана шу чоғда унинг ўрдаси Жужан номини олади. Жужанлар Халха бўйлаб то Хингангача қўчиб юрганлар, хонининг

кароргохи эса Хангайда бўлган. Уларнинг турмуши содда ва уюшмаси жуда жўн бўлиб, уругчилик тузумига мутлако ўхшамас эди. Ҳам харбий, ҳам маъмурий бирлик минг кишилик бўлук (полк) ҳисобланган. Бўлук хон томонидан тайинланадиган саркардага бўйинсунган. Бўлукда хар юз киши ҳисобига биттадан, жами ўн туг бўлиб, хар бир тугнинг ўз бошлиги ҳам бўлган. Жужанларда ёзув мутлако бўлмаган, ҳисоблаш учун кўйнинг кумалогидан ёки ёғочга кертиб кўйишдан фойдаланишган. Конунлари уруш талабларига мувофиқлашган бўлиб, ботирларга ўлжанинг катта улуши теккан бўлса, кўркоклар калтакланган.

Жужанларнинг 200 йиллик мавжуд бўлиб туриши давомида ҳеч қандай ички тараккиёт сезилмайди: бор қуч ва гайратини қўшнилари талашга сарф этганлар.

Жужанлар ўзаро қайси тилда гаплашганлар? Бу борада Хитой манбалари хар хил маълумот берадилар: "Вэйшу" Жужанлар дунхуларнинг биртармоги деса, "Суншу", "Ланшу", "Наншу" лар уларни хунларга қариндош қабила деб ҳисоблашади. Ва ниҳоят Бэй ши (?) Ёуглуйуйни гаугуйлардан деб таъкидлайди. Жанубий Хитой тарихчиларининг хабарлари билвосита маълум бўлганлиги учун аҳамияти қам бўлса, Ёуглуйуйнинг насл-насабининг ҳам аҳамияти унча эмас, чунки унинг атрофига турли-туман қавм Вакиллари йигилишган. Жужанлар ўзаро мўғул тилининг лахжаларидан бири бўлмиш санбийча гаплашган бўлса керак. Чунки уларнинг хонлари унвонларини хитой тилига таржима қилган тарихчи сўзларнинг аслида - "Вэй давлати тилида", яъни санбий тилида қандай айтилишини кўрсатади. Жужанлар ўзларини тобалар билан қариндош деб ҳисоблайдилар. Бирок жужанлар турфа қавмлардан ташкил топганлигини назарда тутиб, уларнинг бу фикри учун асос қилиб чиқиш эмас, балки тилдаги ўхшашлик бўлган, деб ўйлат мумкин.

Жужан хонлигининг асосий қудрати теле қабидаларини бўйсундириб туришни эплашида намоён бўлган. Тарихининг илк кунларида, яъни милoddан аввалги III юзйилликда телелар Ордосдан қарбдаги дашт минтақаларида яшаган. 388 йилда улар тоба хонига бўйсундирилади, IV асрнинг охирида эса шимол томон қўчиб, Жунгорияга қарадилар ва Селенгагача бўлган Қарбий Мўғулистон ҳудудларига ўрнашадилар. Тарқок бўлганлари учун ҳам Жужанларга қаршилиқ кўрсата олмади, уларга тўловлар тўлаб туриш зўрида қоладилар.

Теле қабилалари жужанлар учун ниҳоятда керак бўлгани қолда, телелар учун жужанлар ҳеч ҳам керак эмас эди. Жужан оғир меҳнатдан қочган қимсалардан ташкил топган бўлиб, болалари ҳам меҳнат қилиш ўрнига тўловлар олиш йўлини ўрганардилар. Телелар қорвадор бўлиб, ўз молларини ўзлари боқиб, ҳеч қимга ҳеч қандай тўлов тўлашни истамас эдилар. Ушбу мойилликларига мувофиқ қолда хар икки халқнинг сиёсий тузуми ташкил топди:

асқарий қудрат қоситасида қўшиллар ҳисобига яшаш учун жужанлар бир ўрдага уюшди; телелар эса ўзаро заиф боғланган қабилалар уюшмаси қолида қолдилар, бирок бор қучлари билан мустиқликларини қимоя этдилар.

Телелар жужанлар билан ёнма-ён яшасалар-да уларга мутлако ўхшамасдилар. Телелар Хун империяси тарқибдан анча эрта ажралиб чиқиди — содда патриархал тузум ва қўчманчи турмуш тарзи қалқиб қолди. Уларни хитойлашиш қараёни ҳам четлаб ўтди. Чунки даштнинг ичкарасига қойлашган бу тўпори қўчманчиларнинг хитойликларни ўзига жалб этадиган ҳеч қарсаси йўқэди. Телеларнинг умумий бир ташкилоти бўлмаган. 12 уругнинг хар бирининг ўз оқсоқоли бўлган, қариндош-уруглар ўзаро иноқлашган." Телелар даштда қатта қилдирақли қараваларда қўчиб қуришган, жанқовар, эрқсавар

бўлиб, уюшишга мойиллиги йўк эди. Ўзларини "теле" деб атаганлар, бу сўз ҳамон Олтойдаги телеут этноними номида сакланиб келмокда. Телеларнинг аждодлари ёкутлар, теленгитлар, уйгурлар ва бошқалардир. Уларнинг кўпчилиги hozirгача сакланиб колмаган.

Жужан хонлиги. V асрнинг бошланишида Хингандан то Олтойгача бўлган даштларда Дэудай ("от чоптириб, ёйдан ўкотадиган") лакабли жужанларнинг хони Шелун хукмронлик килди. Телеларни бўйинсундиргач, у Или дарёси бўйларида яшаётган ўрта осиелик хунларга тўкнашди. Буларнинг саркардаси Жибасги деган киши эди. Онгин дарёси бўйидаги шиддатли жангда Жибасги Шелунни енгди, лекин Жужан салтанатини тўлалигича маглуб этишга курби етмади ва "тобелик эвазига осойишталикка эришди", Шелуннинг энг мухим вазифаси ўзининг кувватидан анча кудратли бўлган Тоба — Вэй империясининг кучайиб кетишига йўл кўймаслик эди. Хитой жанубида тинимсиз давом этаётган уруш Тоба-Вэй императорига ўзбошимчалик билан ажралиб чиккан фукараларининг танобини тортиб кўйишига халакит бериб келарди, шунинг учун ҳам Шелун Тоба-Вэйнинг барча душманларини кўллаб-кувватларди. 410 йилда Шелун вафот этади ва унинг ўрнини укаси Хулйуй эгаллайди.

Хулйуй Тоба-Вэйни ўз холига колдириб, асосий эътиборни шимолга каратади. Бу ерда у Енисей киргизларини (иоу) ва хэвэй (сибир кабилаларидан бири)ларни бўйсундиради. 414 йилда Хулйуй фитна билан халок этилади. Фитначилар бошлиги Булучжен ҳам ўша йили халок бўлади. Хонликка Шелуннинг амакиваччаси Датан кўтарилади, бироқ жужанлар боскини самарасиз бўлиб чиқади. Айни пайтда уларга карши юборилган жазо бўлуи хам бирор натижага эришмай ортга кайтади. Вазият ўзгармай, аввалги холича колади.

418-419 йилларда жужанлар билан ўрта осиелик хунлар ва юэчжилар ўртасида уруш кайтадан бошланади. Жужанлар Тарбагатойга сукилиб кирадилар ва бу ерда шундай бир вахимали киргин ташкил этадиларки, юэчжилар катта бир гурухининг рахномаси Цидоло (Кидара), жужанлар билан кўшни бўлишдан кочиб, жанубга кетади ва Карши вохасидаги Боло шахрини ишгол килади. Бу ерда у форслар ва эфталитларга тўкнаш келади. Кидаранинг сафдошлари — кидарийлар — тарихда этник номлари билан эмас, балки ўз рахномаларининг номи билан аталиб колдилар.

давоми бор...